

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**197** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПҚ–2495-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПҚ–2495-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг худудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 23 мартдаги 82-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 4 май,  
137-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 4 майдаги 137-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 84-модда):

а) 6-бандда:

«а» кичик банднинг учинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ҳудудий органлари» сўзлари «Молия вазирлигининг ҳудудий органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 25-банднинг «б» кичик бандидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 7 июндаги 109-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 28-модда) 1-иловада:

а) 3-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда» сўзлари «Меҳнат вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳ-

нат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари иштирокида» сўзлари «Меҳнат вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 18-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Меҳнат вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) илованинг «1-босқич» сатрининг «Масъул бажарувчилар» бўлимидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Меҳнат вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 февралдаги 37-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг еттинчи хатбошидаги «вилоятлар иқтисодиёт бош бошқармаларининг» сўзлари «вилоятлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 31 декабрдаги 378-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 139-модда):

а) 1-илованинг 2-банди ўн биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«танлов комиссияси — тадбиркорлик субъектларини танлаш ва саноат зоналарида жойлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги Қорақал-

поғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари таркибида тузиладиган танлов комиссиялари»;

б) 2-илованинг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт вазирлиги ҳудудий бўлинмаси раҳбари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари ҳисобига ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида» 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 2-сон, 6-модда) 4-илованинг 3-бандидаги «вилоятларнинг иқтисодиёт бош бошқармалари» сўзлари «вилоятлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «туманлар (шаҳарлар) иқтисодиёт бўлимларининг» сўзлари «туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Тошкент шаҳри иқтисодиёт бош бошқармасининг» сўзлари «Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг «Субъектлар» бўлимидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг иккинчи хатбошидаги «Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси раҳбарининг биринчи ўринбосари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.